

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАҲАРАРЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШДА РИСК ҚОПЛАМАСИ МОДЕЛИ: АҲАМИЯТИ,  
АНИҚЛАШ УСУЛИ ВА ЖОРИЙ ҲОЛАТИ**

**Фарҳоджон Кубаевич Холмаматов**

*иқтисодиёт фанлари доктори, профессор*

**Аннотация.** Банклардаги юқори муддати ўтган кредит улушининг асосий омиллари кредит рискларини ноўрин бошқариш ёки масъулиятсиз қарз олиш (ва қарз бериш) ёки мамлакатдаги иқтисодий таназзул бўлиши мумкин. Бошқа мумкин бўлган сабаблар - сифатсиз назорат ва бошқарув, молиявий инқироз (масалан, кўчмас мулк) томонидан энг кўп таъсир кўрсатган соҳаларга юқори таъсир кўрсатиши ва кредитнинг устидан назоратнинг сустлиги сабаб бўлиши мумкин.

**Калит сўзлар:** кредит rischi, кредит қиймати коррективкаси, дефольт, риск даражалари, кредит қиймати коррективкаси, капитал ҳимоя буфери, фоиз rischi, хеджирлаш, контрциклик буфер.

Контрагент кредит rischi ҳисобланадиган стандарт ҳамда ички рейтингга асосланган ёндашувга кўшимча тарзда банк кутилаётган биржадан ташқари деривативлар бозор қиймати ўзгариши орқали юзага келадиган зарарлар учун капитал қисмини ажратиши лозим. Бундай кредит рисклари кредит қиймати коррективкаси (CVA – Credit Value Adjustment) деб номланади ҳамда унинг ҳисобланиши ҳар бир банкнинг контрагент кредит рискини ва фоиз рискини ҳисоблаш методидан келиб чиқиб белгиланади.

Облигациялар учун ички метод моделини ҳамда махсус фоиз rischi VaR модели<sup>1</sup>ни маъқуллаган банклар: Мукамал CVA rischi капитал ажратмаси:

<sup>1</sup> VaR modeli - bozor riskiga ichki yondashuv modeli.  
[www.tadqiqotlar.uz](http://www.tadqiqotlar.uz)

$$CVA = (LGD_{MKT}) \cdot \sum_{i=1}^T \text{Max} \left( 0; \exp \left( -\frac{s_{i-1} \cdot t_{i-1}}{LGD_{MKT}} \right) - \exp \left( -\frac{s_i \cdot t_i}{LGD_{MKT}} \right) \right) \cdot \left( \frac{EE_{i-1} \cdot D_{i-1} + EE_i \cdot D_i}{2} \right)$$

Бунда,

- $t_i - i$  -ички қайта баҳолаш даври,  $t_0 = 0$ .
- $t_T$  – энг узун битимнинг сўдириш муддати.
- $s_i$  – контрагентнинг  $t_i$  даврдаги кредит спреди.
- $LGD_{MKT}$  – контрагентнинг дефолти келтириб чиқарадиган зарари.

Бунда  $LGD_{MKT}$  контрагентнинг бозор инструменти спредига асосланади, у оддий  $LGD$  дан фарқли равишда ички тахминий ҳисоб-китобларга эмас, балки бозор баҳолашларига асосланган.

- $EE_i$  –  $t_i$  даврдаги қайта баҳолашда контрагент учун кутилган риск хатари.

- $D_i$  – дефолт рискдан ҳоли  $t_i$  даврдаги дисконт фактори. Бунда  $D_0 = 1$ .

Банк мукаммаллашган моделни қўллаши тегишли назорат органи томонидан маъқулланмаган бўлса, унда банк портфель капитал ажратмаларини ҳисоблаш учун қуйидаги формула<sup>2</sup>дан фойдаланиши лозим:

$$K = 2.33 \cdot \sqrt{h} \cdot \sqrt{\left( \sum_i 0.5 \cdot w_i \cdot (M_i \cdot EAD_i^{total} - M_i^{hedg} B_i) - \sum_{ind} w_{ind} \cdot M_{ind} \cdot B_{ind} \right)^2 + \sum_i 0.75 \cdot w_i^2 \cdot (M_i \cdot EAD_i^{total} - M_i^{hedg} B_i)^2}$$

Бунда,

- $h$  - бу бир йиллик риск диапазони (йил ўлчови),  $h = 1$ .
- $w_i$  – « $i$ » контрагентга тегишли риск даражаси. Бунда банк куйида кўриладиган контрагентнинг ташқи рейтингига асосан риск даражасини эътиборга олиши лозим.

- $EAD_i^{total}$  – « $i$ » контрагент дефолтга учраганда риск хатари.

- $B_i$  – « $i$ » контрагент бўйича индивидуал кредит дефолти свопи<sup>3</sup> (CDS) нинг номинал қиймати. Ушбу своп CVA рискинни суғурталаш учун сотиб олинади. Унинг номинал қиймати  $(1 - \exp(-0,05 \cdot M_i^{hedg})) / (0,05 \cdot M_i^{hedg})$  фактори билан дисконтлаштирилиши лозим.

---

<sup>2</sup> “Basel III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems”(Iyun, 2011).35-bet.

<sup>3</sup> Ingliz tilida: “single name CDS”

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

- $V_{ind}$  – бир ёки бир неча индексли CDSнинг номинал қиймати. Ушбу қиймат  $(1 - \exp(-0,05 * M_{ind})) / (0,05 * M_{ind})$  фактори билан дисконтлаштирилиши лозим.
- $w_{ind}$  – индекс ҳеджерлари учун риск даражаси. Банк индексларни индекснинг ўртача спредига асосланган ҳолда еттига  $w_i$  риск даражаларидан бирида акс эттирилиши лозим.
- $M_i$  – “i” контрагент билан транзакцияларнинг самарали сўндириш муддати. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ушбу муддат 5 йилдан ошмаслиги лозим.
- $M_i^{hedg}$  – ҳеджирлаш инструменти  $V_i$  номинал қийматининг сўндириш муддати ( $M_i^{hedg} * V_i$  миқдорлар агар позициялар нечта бўлса, улар қўшилади).
- $M^{ind}$  – индекс ҳеджерлашнинг сўндириш муддати. Бунда, агар индекс ҳеджерлаш позицияси биттадан ортиқ бўлса, ушбу муддат номинал ўртача тортилган муддат ҳисобланади.

### **1-жадвал**

#### **Контрагентнинг ташқи рейтингига асосланган риск даражалари<sup>4</sup>**

Рейтинг	Риск даражаси ( $W_i$ )	Рейтинг	$W_i$	Рейтинг	$W_i$
AAA	0,70%	BBB	1,00%	CCC	10,00%
AA	0,70%	BB	2,00%		
A	0,80%	B	3,00%		

Ташқи кредит рейтинги агентликлари (ECAI) қуйидаги талабларнинг ҳар бирига жавоб бериши лозим:

- Об'ективлик;
- Мустақиллик;
- Халқаро доирада маълумотларни олиш имконияти (Транспарентлилик);
- Ресурслар;
- Ишончлилик;

<sup>4</sup> “Basel III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems” (Iyun, 2011). 36-bet. [www.tadqiqotlar.uz](http://www.tadqiqotlar.uz) **6-to'plam 2-son aprel 2024**

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

• Маълумотларни ошкор қилиш: ахлоқ кодекси; баҳолаган ташкилотлари билан компенсацияларнинг умумий характери; баҳолаш методологияси, шунингдек дефолт таърифи, вақт диапозони ҳамда ҳар бир рейтингнинг маъноси; ҳар бир баҳолаш категориясида қўлланилган дефолт ставкалари; баҳолашларнинг вақти-вақти билан ўзгариши, масалан АА рейтингининг А га ўтиши кабилар ошкор этилиши лозим.

Банк назорати бўйича Базель Қўмитаси капитал ҳимоя буфери тўғрисида шундай таъриф беради<sup>5</sup>: капитал ҳимоя буфери – бу банклар кўриши мумкин бўлган зарарларни қоплаш мақсадида иқтисодий ночор даврдан бошқа пайтда тузиладиган буфердир. Контрциклик буфер – бу банкларнинг умумий кредит ўсиши ортиқчалиги кузатилган даврда юзага келиши мумкин бўлган зарарларга қарши жорий қилинадиган захира.

### 2-жадвал.

**Банк тизими активларининг рисклилиқ даражаси бўйича таснифи<sup>6</sup>,  
фоизда**

Баланс	0%	20%	35%	50%	100%	150%	200%
активларининг рисклилиқ даражаси	<b>I гуруҳ</b>	<b>II гуруҳ</b>	<b>III гуруҳ</b>	<b>IV гуруҳ</b>	<b>V гуруҳ</b>	<b>VI гуруҳ</b>	<b>VII гуруҳ</b>
2018	9,6	32,6	0,6	4,6	52,1	0,1	0,3
2019	12,7	21,9	0,6	5,8	52,1	6,2	0,7
2020	9,3	19,8	0,9	5,1	59,1	2,8	2,9
2021	12,5	19,5	0,6	3,7	45,7	11,5	6,5
2022	23,1	8,9	0,8	3,8	52,3	5,6	5,3

Банк тизими активларининг рисклилиқ даражаси энг юқори бўлган 5-гуруҳ бўлиб, 100 фоизли рискка тортилган активлар тоифасига киради. Ушбу гуруҳнинг ўртача улуши 52,3 фоизни ташкил этмоқда. 1-гуруҳнинг улуши охирги йилларда сезиларли даражада ортганлигини кўришимиз

<sup>5</sup> “Basel III global regulative framework for more resilient banks and banking systems”, 2010-yil dekabr. 54-bet.

<sup>6</sup> <https://cbu.uz/oz/-Ўзбекистон> Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари  
[www.tadqiqotlar.uz](http://www.tadqiqotlar.uz)

мумкин. Фикримизча, мазкур ҳолатни Марказий банк ва ҳукуматнинг қимматли қоғозлари савдосининг ошиши билан изоҳлаш мумкин. Ҳукумат ва Марказий банк чиқарган қимматли қоғозларнинг риск даражаси 0 фоиз бўлиб, рискдан ҳоли активлар гуруҳига киритилади. 7-гуруҳнинг сўнги йилларда ортишини бевосита берилган автокредитларнинг ортиши билан асослаш мумкин.

Банклардаги юқори муддати ўтган кредит улушининг асосий омиллари кредит рискларини ноўрин бошқариш ёки масъулиятсиз қарз олиш (ва қарз бериш) ёки мамлакатдаги иқтисодий таназзул бўлиши мумкин. Бошқа мумкин бўлган сабаблар - сифатсиз назорат ва бошқарув, молиявий инқироз (масалан, кўчмас мулк) томонидан энг кўп таъсир кўрсатган соҳаларга юқори таъсир кўрсатиши ва кредитнинг устидан назоратнинг сустлиги сабаб бўлиши мумкин.

Потенциал ликвидлилик рискларини ўз вақтида аниқлаш учун банк томонидан ликвидлилик rischi тўғрисида олдиндан огоҳлантириш индикаторлари тизими ишлаб чиқиши лозим. Ликвидлилик rischi тўғрисида олдиндан огоҳлантириш индикаторлари орқали банк ликвидлигига нисбатан ҳар қандай салбий тенденциялар аниқланаш имконияти пайдо бўлади.

Кредит портфелини мониторинг қилишдан мақсад кредит хатарлари даражасини баҳолаш ҳамда кредит портфели сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдир. Кредит портфели тузилмасининг таҳлили қуйидагилар бўйича амалга оширилади:

- а) ҳудудлар бўйича, филиаллар қирқимида;
- б) кредит портфелини тармоқларга бўлиниши бўйича;
- в) кредит портфелини аввалги ҳисобот даврларига нисбатан ўзгариши бўйича;
- г) таъминот турлари бўйича.

Банкларда кредит рискларини тўғри бошқариш вақтида тўланмаган кредитлар миқдорига жуда муҳим таъсир кўрсатади. Банклар кредит

талабгорларининг молиявий ва бошқа маълумотларини таҳлил қиладиган ички кредит рискинни баҳолаш моделларини ишлаб чиқиши мумкин. Маълумотларни таҳлил қилиш натижаларининг асосий мақсади қарздорнинг тўловга лаёқатсизлиги рискинни акс эттирувчи тўғри баҳоланган дефолт эҳтимоллиги. Шунингдек, банклардаги кредит сиёсати кредит хавфи даражасининг мақбуллигини ўзгартириб, кредит олиш қулайлигини белгилайди. Кредитлар, фойзли даромадлардан кўпроқ фойда олишни мақсад қилган банклар, агар улар Марказий банк регламентининг хавфсиз даражасидан ошмаса, кўпроқ кредит беришга ундашлари мумкин. Айниқса, бу иқтисодий ўсиш даврида компанияларнинг молиявий кўрсаткичлари ва аҳолининг шахсий даромадлари юқори бўлганда кузатилиши мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 10.06.2022 й., 06/22/152/0507-сон.
2. “Basel III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems” (Iyun, 2011).35-bet.
3. Банковское дело. Учебник. Под редакцией О.И.Лаврушин, -М., 2005. Стр. - 260.
4. Азизов У. ва бошқ. Банк иши: Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2016.- 530 б.
5. Xolmamatov, F. (2023). Bank tizimi barqarorligini oshirishda kredit risklarining ahamiyati va ularni kamaytirish yo‘llari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(9). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/953>
10. Xolmamatov, F. (2024). Banklar moliyaviy barqarorligini ta’minlashda bank zaxiralariidan kompleks foydalanish zarurati va amaliyoti. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(8). Retrieved from [---

\[www.tadqiqotlar.uz\]\(http://www.tadqiqotlar.uz\)](https://yashil-</a></li></ol></div><div data-bbox=)

[iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/952](http://iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/952)

11. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИКВИДЛИЛИК РИСКНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari. (2024). Yangi O'zbekiston Taraqqiyotida Tadqiqotlarni o'rni Va Rivojlanish Omillari, 5(1), 375-382.

<http://pedagoglar.org/index.php/04/article/view/1120>

12. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)- Official website of the Central Bank of Uzbekistan